

**2015 йилнинг 1-чораги давомида Адлия вазирлиги  
томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан  
М А Ъ Л У М О Т Н О М А**

Хисобот даврида Адлия вазирлиги томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

**Норма ижодкорлиги соҳасида ягона давлат  
сиёсатини амалга ошириш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати томонидан берилган топшириқлар ҳамда вазирлик ташаббуси билан **22 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди**. Шундан, **6** таси қонун, **2** таси Олий Мажлис қарорлари, **1** таси Президент қарори, **1** таси Президент фармойиши, **6** таси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари лойиҳалари, **6** таси идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Вазирликка келиб тушган **384** та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларидан **242 (63%)** таси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тегишли ҳуқуқий хулосалар берилди, **142 таси (37%)** Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талабларига жавоб бермаганлиги учун ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қайтарилди.

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган лойиҳаларнинг **221** тасига (**91%**) розилик имзоси қўйилди. Ушбу лойиҳалардан **12** таси қонун, **46** таси Президент Фармони, қарор ва фармойишлари, **163** таси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари лойиҳалари ҳисобланади. Ушбу лойиҳаларнинг **117** тасига эътирозлар билан ва **104** тасига эътирозларсиз розилик имзоси қўйилди.

**21** та лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, розилик имзоси қўйилмасдан эътирозлар билан қайтарилган. **16** та лойиҳа Адлия вазирлигида ишчи тартибда қайта ишланди.

Худудий адлия бошқармалари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **726** та қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, хулосалар берилган. **52** та қарор лойиҳаси қонун ҳужжатларига номувофиқлиги туфайли қайтарилган.

**2.676** та маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари давлат ҳисобига олинган.

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат  
рўйхатидан ўтказиш бўйича**

Вазирликка келиб тушган **122** та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан **97** таси давлат рўйхатидан ўтказилди, **33** таси қонун ҳужжатларига ва қонунчилик техникаси талабларига зид бўлганлиги сабабли рад этилди.

**14** та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга **77** та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалдаги қонун ҳужжатлари асосида қайта кўриб чиқиш тўғрисида **32** та тақдимнома киритилиб, уларнинг ижроси назоратга олинди.

**Қонун ҳужжатларини туркумлаш бўйича**

Жами **766** та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат ҳисобига олиниб, уларнинг **171** таси вазирликда, **595** таси худудий адлия органларида давлат ҳисобига олинди.

**Тадбиркорлар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги  
корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Тадбиркорлар фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан олиб борилган ўрганишларда назорат қилувчи органлар томонидан **99** та ноқонуний (рухсатсиз) текширишлар ўтказилганлиги ва **1234** та ҳолатда текширишларни ўтказиш тартиби бузилганлиги аниқланиб, адлия органлари томонидан тегишли чоралар кўрилди.

Ўтказилган ўрганишларда тадбиркорлик субъектларига ер ажратишда **31** та, мурожаатларни кўриб чиқишда **421** та, солиққа тортишда **141** та, лицензиялаш ва бошқа рухсатномалар беришда **86** та, рўйхатга олишда **5080** та, тадбиркорларни маъмурий жавобгарликка тортишда **3834** та қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Мазкур қонунбузарликларга йўл қўйган **581** нафар айбдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилиб, уларнинг **11** таси лавозимидан озод этилди. Давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларининг **220** та ноқонуний қарор, фармойиш, хат ва ҳужжатлари ижроси тўхтатилди ва бекор қилинди. Тадбиркорларга **3.840 млн.** сўмдан ортиқ маблағлар қайтарилди.

Тегишли идораларга **626** та тақдимнома, **600** та огоҳнома, судларга **7.2 млрд.** сўмлик **533** та даъво аризалари киритилди. Ўтказилган учрашувлар натижасида фаолиятини тўхтатган **286** та тадбиркорларнинг фаолияти қайта тикланди.

Адлия органларида ташкил этилган “**008**” рақамли ишонч телефони орқали **546** та мурожаат қабул қилиниб, тегишли тартибда кўриб чиқилди.

### **Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда**

Бугунги кунга қадар адлия органларида жами **13.515** та тижорат билан шуғулланувчи юридик шахслар давлат рўйхатига олинган. Шундан, **7.110** таси хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар, **3.974** таси юридик шахс бирлашмалари, **1.105** таси аудиторлик ташкилотлари, **780** таси бозорлар, **153** таси ломбард, **94** таси акциядорлик хўжалик бошқаруви органлари, **100** таси улгуржи-савдо базалари, **67** таси биржалар, **66** таси суғурта ташкилотлари ва **66** таси солиқ маслаҳатчилари ҳисобланади.

Ҳисобот даврида **53** та юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилиб, янги ташкил этилди. Шулардан **46** таси хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳисобланади.

### **Шартномавий - ҳуқуқий ишларни назорат қилиш**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида жами **500** мингдан зиёд шартномаларнинг тузилишида иштирок этилди.

Шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар юзасидан судларга киритилган **15,5 млрд.** сўмлик **1 660** та даъво аризалари қаноатлантирилди.

Фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга **334** та огоҳнома, **381** та тақдимнома киритилиб, фермер хўжаликларига **26,4 млрд.** сўм маблағ қайтарилди.

Судларга фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб жами **27,7 млрд.** сўмлик **2 151** та даъво аризалари киритилиб, **26 млрд.** сўмлик **1 307** та даъво аризалари қаноатлантирилди. Қолган даъво аризалари судлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

### **Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Ҳисобот даврида соҳага оид **988** та мурожаатлар кўриб чиқилиб, хат этилган, уларнинг **172** тасини “Ишонч телефони”га қилинган мурожаатлар ташкил этади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли идораларга **188** та тақдимнома, натижасига кўра **5** та ноқонуний ҳужжатнинг ижроси тўхтатилди ва бекор қилинди. **151** нафар айбдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилган. **39** нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Судларга **588 млн. сўмлик 341** та даъво аризалари киритилиб, **394 млн. сўмлик 273** та аризалар судлар томонидан қаноатлантирилди. Мансабдор шахслардан **1,8 млн. сўм** маблағ фуқаролар фойдасига ундирилган.

### **Халқаро - ҳуқуқий соҳада**

Адлия вазирлиги томонидан **72** та, шундан **10** та кўп томонлама ва **62** та икки томонлама халқаро шартномалар лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси қафолатидаги **4** та қарз ва кредит битимларига юридик хулоса берилди. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларга мувофиқ ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича жами **785** та ҳужжат келиб тушган бўлиб, улар тегишли тартибда кўриб чиқилди.

### **Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим:**

Адлия органлари томонидан **16.243** та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Шундан, **1.075** таси радиоэшиттиришлар ва **687** таси телекўрсатувлардан иборат. **1.042** та газета, **67** та журналларда мақолалар чоп этилди. **374** та мақолалар веб саҳифаларга жойлаштирилди.

Ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг **4.859** таси тушунтириш маърузалари, **5.918** таси давра суҳбати, **1.672** таси семинар **8** таси эса илмий-амалий конференция шаклида ўтказилди.

Тадбирларда **644.045 нафар** тинловчилар жалб қилинди. Уларнинг **60 фоизини** ёшлар ташкил қилади.

Ҳуқуқий тарғибот ишларини кўргазмали куроллар ёрдамида ҳам олиб боришга алоҳида эътибор берилиб, **453** турдаги плакат ва буклетлар **14.887** нусхада тайёрланди.